

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ

ШИШАТОЛА. БЎЙРАЛАР

Умумий техник талаблар ва синов усуллари

О‘zMSt 324:2024

Расмий нашр

**Тошкент
2024**

Муқаддима

1 СТҚ 21 “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги” Стандартлаштириш бўйича техник қўмитаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАСДИҚЛАШАГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

2 Ўзбекистон стандартлар институти томонидан 4-октябр, 2024-йилдаги 42/MSt-сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3 Ушбу стандарт EN 14118-1:2003 “Тола билан мустаҳкамлаш – Тўқимачилик шишатолали (кесилган ва узлуксиз иплардан) бўйраларнинг техник хоссалари – 1-қисм: Белгиланиши (EN 14118-1:2003 “Reinforcement — Specifications for textile glass mats (chopped strand and continuous filament mats) — Part 1: Designation””, EN 14118-2:2003 “Тола билан мустаҳкамлаш – Тўқимачилик шишатолали (кесилган ва узлуксиз иплардан) бўйраларнинг техник хоссалари – 2-қисм: Синов усуллари ва умумий талаблар (EN 14118-2:2003 “Reinforcement — Specifications for textile glass mats (chopped strand and continuous filament mats) — Part 2: Methods of test and general requirements””, EN 14118-3:2003 “Тола билан мустаҳкамлаш – Тўқимачилик шишатолали (кесилган ва узлуксиз иплардан) бўйраларнинг техник хоссалари – 3-қисм. Махсус талаблар (EN 14118-3:2003 “Reinforcement — Specifications for textile glass mats (chopped strand and continuous filament mats) — Part 3: Specific requirements””)” стандартларига нисбатан техник оғишларни киритиш орқали ўзгартирилган бўлиб, уларнинг изоҳи ушбу стандартнинг кириш қисмида келтирилган.

4 ДАСТЛАБКИ АМАЛГА КИРИТИЛИШИ.

Ушбу миллий стандарт ва унга бўлган ўзгартишларни Ўзбекистон ҳудудида амалга киритиш ҳақидаги ахборат Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтлари ва стандартларнинг йиллик ахборат кўрсаткичларида қайд этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг расмий веб-сайтлари ва стандартларнинг йиллик ахборат кўрсаткичларида қайд этилади.

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон стандартлар институтига тегишли.

Мундарижа

Кириш	4
1. Қўлланиш доираси	5
2. Норматив ҳаволалар.....	Ошибка! Закладка не определена.
3. Атамалар ва таърифлар.....	6
4. Шартли белгилар.....	6
5. Асосий кўрсаткичлар ва хусусиятлар	7
6. Материалларга қўйиладиган талаблар	10
7. Тўлиқлик (комплектлилик)	10
8. Маркировкалаш	10
9. Қадоклаш.....	10

Кириш

Мазкур Миллий стандарт EN 14118-1:2003, EN 14118-2:2003, EN 14118-3:2003 рақамли Европа стандартларига қуйидаги ўзгаришлар киритиб қабул қилинган.

“Норматив ҳаволалар” бўлимидаги Давлатлараро ёки миллий стандарт сифатида қабул қилинмаган Европа стандартларига ҳаволалар амалдаги стандартларга ҳаволалар билан алмаштирилган.

Шишатолали бўйраларнинг қўшимча хусусиятларини қисқартирилган белгилари ўзбек тилининг лотин алифбосидаги ҳарфлар билан алмаштирилган.

Ёнғин хавфсизлиги талаблари ва чиқарилган зарарли моддалар миқдори давлатлараро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди.

Синов усуллари амалдаги давлатлараро ёки миллий стандартларга ҳаволалар ва/ёки амалдаги синов усуллари билан алмаштирилган.

Ушбу ҳужжатнинг баъзи элементлари патент ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин. СТҚ 21 “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги” Стандартлаштириш бўйича техник қўмита (ва/ёки Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти) мазкур стандартдаги ҳар қандай ёки барча патент ҳуқуқларини аниқлаш учун жавобгар эмас.

O'ZBEKISTON MILLIY STANDARTI

O'zMSt 324:2024 Шишатола. Бўйралар Умумий техник талаблар ва синов усуллари

O'zMSt 324:2024 Стекловолокно. Маты. Общие технические требования и методы испытаний

O'zMSt 324:2024 Fiberglass. Mats. General technical requirements and test methods

Амалга киритиш санаси: 4-ноябр, 2024-йил

1. Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт бино ва иншоотларнинг деворларини ички ва ташқи томондан таъмирлаш ва пардозлаш ишларида қўлланиладиган, овоз изоляцияловчи, пардозловчи, ёнғинга қарши панеллар, гипстолали плиталар, линолеум ва ковролин, композит қувурлар ва сиғимли идишлар, аккумуляторли батареялар ишлаб чиқаришда, композит мебел, иссиқлик изоляцияловчи цилиндрлар, шамоллатиш экранлари, томёпма гидроизоляцияси, автомобил- ва кемасозликда ва шу каби бошқа йўналишларда қўлланиладиган, кесилган ва узлуксиз мураккаб шиша толаси ва шиша ипларидан тайёрланган бўйра кўринишидаги матоларга (бундан кейин шиша толали бўйралар деб аталади) қўлланилади ҳамда умумий техник талаблар ва синов усуллари белгилайди.

Ушбу стандарт штапел толали бўйралар, механик боғланган ва тикилган материаллар, шиша пардалар учун қўлланилмайди.

2. Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги давлатлараро стандартларга меъёрий ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 6943.1—2015 (ISO 1889:2009) Шишатола. Иплар ва ровинглар. Чизиқли зичликни аниқлаш усули

ГОСТ 6943.8—2015 Тўқимачилик шиша материаллари. Қиздиришда йўқ бўладиган намлик ва моддаларнинг вазн улушини аниқлаш усули.

ГОСТ 6943.10—2015 Тўқимачилик шиша материаллари. Узилиш пайтида узиш юкини ва чўзишни аниқлаш усули.

ГОСТ 6943.17—94 (ИСО 5025—78) Шишатола. Матолар. Тўқилмаган матолар. Кенглик ва узунликни аниқлаш усули.

ГОСТ 14192—96 Юкларни маркировкалаш

ГОСТ 24297—2013 Сотиб олинган маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Тасдиқлатишни ташкил этиш ва назорат қилиш усуллари.

ГОСТ 25951—83 Термо киришиш полиэтилен плёнкаси. Техник шартлар

ГОСТ 30053—2017 (ISO 3374—2000) Арматураловчи тўлдиргичлар. Бўйралар ва матоларнинг бирлик майдонига вазни аниқлаш усули.

ГОСТ 32650—2014 (ISO 2078:1993) Шишатола. Иплар. Турлари и маркировкалари

ГОСТ 32794—2014 Полимер композитлари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 33366.1—2015 (ISO 1043-1:2011) Пластмассалар. Шартли белгилар ва қисқартмалар. 1-қисм. Асосий полимерлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (махсус характеристикалари).

ГОСТ 33847—2016 (ISO 3344:1997) Полимер композитлари. Арматураловчи тўлдиргичларда намлик таркибини (микдорини) аниқлаш.

ГОСТ 34245—2017 (ISO 2558:2010) Шишатола. Бўйралар. Боғловчини стиролда эритиш вақтини аниқлаш.

ГОСТ 34208—2017 (ISO 3616:2001) Шишатола. Бўйралар. Ўртача қалинликни, юк остидаги қалинликни ва сиқишдан кейинги тикланишни аниқлаш.

ГОСТ 34337-2017 Шишатола. Бўйралар. Умумий техник талаблар ва синов усуллари.

EN 14118-1:2003 Арматуралаш. Тўқимачилик шиша бўйраларнинг техник тавсифлари (кесилган ва узлуксиз иплардан тайёрланган бўйралар). 1-қисм. Белгиланишлар.

EN 14118-2:2003 Арматуралаш. Тўқимачилик шиша бўйраларнинг техник тавсифлари (кесилган ва узлуксиз иплардан тайёрланган бўйралар). 2-қисм. Синаш усуллари ва умумий талаблар.

EN 14118-3:2003 Арматуралаш. Тўқимачилик шиша бўйраларнинг техник тавсифлари (кесилган ва узлуксиз иплардан тайёрланган бўйралар). 3-қисм. Махсус талаблар.

Изоҳ — Ушбу стандартдан фойдаланганда, умумий фойдаланишдаги ахборот тизимида — Стандартлаштириш бўйича миллий органнинг стандартларнинг ягона ахборот базаси ёки жорий йилнинг 1 январидан бошлаб нашр этилган "Миллий стандартлар" йиллик ахборот кўрсаткичига мувофиқ ва жорий йил учун "Миллий стандартлар" ойлик ахборот кўрсаткичининг алоҳида нашрларига кўра ҳавола тарзидаги стандартларнинг ҳақиқийлигини текшириш тавсия этилади. Агар ҳавола стандарти алмаштирилса (ўзгартирилса), унда ушбу стандартдан фойдаланганда алмаштириш (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агар ҳавола стандарти алмаштирилмасдан бекор қилинса, унда унга ҳавола берилган қоида ушбу ҳаволага таъсир қилмайдиган қисмда қўлланилиши тавсия этилади.

3. Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда ГОСТ 32794 бўйича атамалар қўлланилган.

4. Шартли белгилар

4.1 Асосий қоидалар

Шиша бўйраларни белгилаш схемаси 1-расмда келтирилган.

Белгиланиши				
Таърифловчи блок (мажбурий эмас)	Идентификация блоки			
	Ушбу стандартнинг белгиланиши	Якка тартибдаги (индивидуал) блок		
		1-маълумотлар блоки	2-маълумотлар блоки	3-маълумотлар блоки

1-расм – Шиша бўйраларни белгилаш схемаси

Белгилаш таърифловчи блокдан ва ушбу стандартнинг белгисини ва индивидуал блокни ўз ичига олган идентификация блокдан иборат. Индивидуал блок қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган учта маълумот блокдан иборат:

- 1-маълумотлар блоки — шиша бўйранинг тури;
- 2-маълумотлар блоки — шиша бўйранинг кўрсаткичлари;
- 3-маълумотлар блоки — ишлаб чиқарувчининг коди ва / ёки боғловчи тури ва бошқа керакли маълумотлар.

Бунда:

- таърифловчи блок ушбу стандартнинг белгисидан вергул билан ажратилади;
- индивидуал блокнинг биринчи белгиси дефис бўлиши керак;
- маълумотларнинг индивидуал блоклари бир-биридан вергул билан ажратилади;
- блоklar ичидаги позициялар орасида бўшлиқлар бўлиши керак;
- кетма-кет иккита вергул (,,) маълумотлар блоки ишлатилмаётганлигини билдиради.

4.2 1-маълумотлар блоки

Ушбу блокда шиша бўйра турининг қисқартмаси мавжуд:

- CSM — кесилган мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар учун;
- CFM — узлуксиз мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар учун.

4.3 2-маълумотлар блоки

Ушбу блокда шиша борднинг куйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

- 1-позиция – бирлик майдонига тўғри келадиган вазн, $\text{г/м}^2(\text{g/m}^2)$, ГОСТ 33847 бўйича;
- 2-позиция – рулон (ўрам) кенглиги, см.

4.4 3-маълумотлар блоки

Ушбу блокда ишлаб чиқарувчининг коди ва / ёки боғловчи тури ва бошқа керакли маълумотлар мавжуд.

Мисол — Бир бирлик майдонига вазни 600 г/м^2 ва рулон кенглиги 130 см бўлган кесилган мураккаб иплардан ясалган шиша бўйранинг белгиланиши 2-расмда кўрсатилган.

	O'zMSt	CSM	600 130	1234
Ушбу стандартнинг белгиланиши	└───┘	└───┘	└───┘	└───┘
1-маълумотлар блоки				
Кесилган мураккаб иплардан ясалган шиша бўйранинг тури	└───┘	└───┘	└───┘	└───┘
2-маълумотлар блоки				
Бирлик майдонига тўғри келадиган вазн	└───┘	└───┘	└───┘	└───┘
Рулон кенглиги				
3-маълумотлар блоки				
Ишлаб чиқарувчининг коди				

2-расм — Белгиланиши O'zMSt XXXX-CSM, 600 130,1234

5. Асосий кўрсаткичлар ва хусусиятлар

5.1 Шиша бўйралар ушбу стандарт талабларига ва белгиланган тартибда тасдиқланган шиша бўйранинг маълум бир тури учун меъёрий ҳужжат ёки техник ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши керак.

5.2 Шиша бўйралари кўриниши бўйича бир хил бўлиши керак. Шиша бўйраларнинг мумкин бўлган нуқсонлари рўйхати:

- узилишлар;
- тешиклар;
- кир доғлари, ёғ доғлари, қорамтир эшилган иплар, бегона қўшимчалар;
- иплар ёки боғловчи тасма тўпланиши;
- маҳаллий ингичка қисмлар;
- боғловчи билан сингдирилмаган жойлар;
- нотекис чеккалар.

100 m² учун нуқсонлар сони истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган кийматдан ошмаслиги керак (одатда, шиша бўйра турига қараб 5 дан 10 гача).

5.3 Кесилган мураккаб CSM ипларидан тайёрланган шиша бўйралар, ишлаб чиқариш ёки ундан кейинги фойдаланиш усулига қараб, қуйидаги ГОСТ 33366.1 га мувофиқ келтирилган қатронлар билан мос келади, уларнинг белгилари:

- UP, EP, VE кўп мақсадли намуналар учун;
- UP, EP, VE махсус мақсадли намуналар учун (юқори ярим шаффофлик билан);
- UP, EP, VE контактли қолиплашда (кукун туридаги боғловчи билан);
- UP, PF контактли қолиплашда (эмулсия туридаги боғловчи билан).

CSM кўп мақсадли бетон намуналарини ишлаб чиқаришда бетон билан мос келади.

5.4 Узлуксиз CFM мураккаб ипларидан тайёрланган шиша бўйралар, ишлаб чиқариш усулига қараб, қуйидаги қатронлар билан мос келади, уларнинг белгилари ГОСТ 33366.1 га мувофиқ келтирилган:

- UP, EP, VE, PUR қуйма пресслашда (исканжалашда);
- UP, EP, VE, PUR қолиплашдан олдин;
- PUR босим остида қуйишда;
- UP, VE, PMMA пултрузия билан ишлаб чиқаришда;
- UP, EP узлуксиз ламинациялашда.

CFM лар кўп мақсадли бетон намуналарини ишлаб чиқаришда бетон билан мос келади.

5.5 Физик-кимёвий хусусиятларга кўра, CSM 1-жадвалда келтирилган талабларга, CFM эса – 2-жадвалдаги талабларга жавоб бериши керак.

1-жадвал — CSM нинг физик-кимёвий хусусиятлари

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич қиймати	Максимал оғиш	Синов усули
Майдон бирлигига тўғри келадиган вазн, g/m ² :		±20 %	ГОСТ 30053
- кўп мақсадли намуналар учун	20, 30, 45, 70, 100, 150, 225, 350, 500, 750, 1200		
- махсус мақсадли намуналар учун (юқори ярим шаффофлик билан)			
- контактли қолиплашда (кукун туридаги боғловчи билан)	275, 300, 375, 450, 600, 750, 900, 1200		
- контактли қолиплашда (эмулсия туридаги боғловчи билан)	300, 375, 450, 600, 900		
- бетондан ясалган кўп мақсадли намуналар учун	120		
Рулон (ўрам) кенглиги, см:		±0,5 см (икки томонлама кесилган намуналар учун); ±3 см (бир томонлама кесилган ёки кесилмаган намуналар учун)	ГОСТ 6943.17
- кўп мақсадли намуналар учун	10 дан 320 гача		
- махсус мақсадли намуналар учун (юқори ярим шаффофлик билан)			
- контактли қолиплашда (кукун туридаги боғловчи билан)	13 дан 320 гача		

- контактли қолиплашда (эмулсия туридаги боғловчи билан)	10 дан 250 гача		
- бетондан ясалган кўп мақсадли намуналар учун	10 дан 180 гача		
Кесилган қирраларнинг сони	Икки томонлама кесиш; бир томонлама кесиш; кесишсиз	—	—
Қиздиришда йўқ бўладиган намлик ва моддаларнинг вазн улуши, %	—	±40 %	ГОСТ 6943.8
Намлик таркиби, %, ортиқ эмас	0,5 %	—	ГОСТ 33847

2-жадвал — CFM нинг физик-кимёвий хусусиятлари

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич қиймати	Максимал оғиш	Синов усули
Майдон бирлигига тўғри келадиган вазн, g/m²:		±20 %	ГОСТ 30053
куйма пресслашдаги қолиплашдан олдинги босим остидаги куйишда	225, 300, 450, 600		
пултрузия билан тайёрлашда	225, 300, 450, 600		
узлуксиз ламинациялашдаги бетондан ясалган кўп мақсадли намуналар учун	225, 300, 450, 600		
	300, 450, 600		
	100, 150		
Рулон кенглиги, см:		±0,5 см (икки томонлама кесилган намуналар учун); ±3 см (бир томонлама кесилган ёки кесилмаган намуналар учун)	ГОСТ 6943.17
куйма пресслашдаги қолиплашдан олдинги босим остидаги куйишда	60 дан 300 гача Сўров бўйича		
пултрузия билан тайёрлашда			
узлуксиз ламинациялашдаги бетондан ясалган кўп мақсадли намуналар учун			
Кесилган қирраларнинг сони	Икки томонлама кесиш; бир томонлама кесиш; кесишсиз	—	—
Қиздиришда йўқ бўладиган намлик ва моддаларнинг вазн улуши, %	—	±40 %	ГОСТ 6943.8

5.6 Истеъмолчининг талабларига кўра аниқланадиган шиша бўйраларнинг хусусиятлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал — Истеъмолчининг талабларига кўра аниқланадиган шиша бўйраларнинг хусусиятлари

Кўрсаткич номи	Синов усули
Чизиқли зичлик, текс	ГОСТ 6943.1
Боғловчи модданинг стиролда эриш вақти, с ¹⁾ : - юқори (60 сониядан кам) - ўртача (60 дан 200 сониягача) - паст (200 сониядан кўпроқ)	ГОСТ 34245
Қалинлиги, mm ²⁾	ГОСТ 34208
Узилиш юки, Н ¹⁾	ГОСТ 6943.10
¹⁾ Фақат CSM учун белгиланади. ²⁾ Фақат CFM учун белгиланади.	

6. Материалларга қўйиладиган талаблар

6.1 Шиша бўйраларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар меъёрий хужжатлар ёки техник хужжатлар талабларига жавоб бериши, уларнинг меъёрий талабларга, шу жумладан сифат сертификатларига мувофиқлигини тасдиқловчи қўшимча хужжатларга эга бўлиши ва ГОСТ 24297 бўйича кириш назорати остида бўлиши керак.

6.2 Шиша тури ГОСТ 32650 да белгиланган (ўрнатилган) турларга мос келиши керак.

6.3 Шиша бўйраларни ишлаб чиқариш учун эмулсия ёки кукун туридаги боғловчи ишлатилади, унинг белгиланиши ГОСТ 33366.1 да келтирилган.

7. Тўлиқлик (комплектлилик)

Шиша бўйраларнинг ҳар бир партиясига ишлаб чиқарувчининг кафолатларини тасдиқловчи маълумотлар, шиша бўйраларнинг асосий параметрлари ва хусусиятлари (хоссалари)нинг қийматлари, шунингдек ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлган паспорт илова қилинади.

8. Маркировкалаш

8.1 Шиша бўйралар қадоққа ёпиштирилган ёрликда аниқ маркировкалашга эга бўлиши керак.

8.2 Маркировкалаш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи, унинг юридик манзили ва савдо белгиси;
- ушбу стандартга мувофиқ шиша бўйранинг шартли белгиси;
- шиша бўйра рулонининг соф вазни;
- шиша бўйра рулонининг узунлиги (мажбурий эмас);
- тўплам (партия) рақами;
- ишлаб чиқарилган сана.

8.3 Транспорт маркировкалаш ГОСТ 14192 талабларига мувофиқ қўлланилади.

9. Қадоқлаш

9.1 Қадоқлаш сақлаш, ташиш ва юклаш-тушириш пайтида шиша бўйраларнинг бут сақланганлигини (бутлигини) таъминлаши керак. Қадоқнинг яхлитлигини бузишга йўл қўйилмайди.

9.2 Шиша бўйраларни қадоқлаш учун ГОСТ 25951 бўйича полиэтилен термо киришиш плёнкаси ёки полиэтилен қоқлар ишлатилади. Истеъмолчи билан келишилган ҳолда, шиша бўйраларни намлик ва зичланишдан ҳимоя қилувчи бошқа турдаги қадоқлаш

материалларидан фойдаланишга рухсат берилади.

9.3 Шиша бўйралар қадоқлашдан олдин рулонларга ўралади. Битта рулонда узунлиги камида 5 m бўлган учта шиша бўйра бўлиши керак. Рулоннинг қирралари силлиқ бўлиши керак, телескопиклик 5 см дан ошмаслиги керак. Ҳар бир рулон полиэтилен термо киришиш плёнкаси ёки полиэтилен қопга қадоқланади.

Илова А

Ўзгартирилган структуравий элементларнинг асл матни

A.1.

Қўллаш соҳаси (Европа стандарти EN 14118-1)

Ушбу Европа стандарти ўз хусусиятларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида ишлатилиши мумкин бўлган кесилган ва узлуксиз мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйраларни белгилаш тизимини тавсифлайди.

Ушбу белгилаш тизими пластмассаларни арматуралаш учун ва гидравлик мулчалош учун матрица сифатида ишлатиладиган узлуксиз ва кесилган мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар учун мўлжалланган.

Бу штапел толасидан тайёрланган бўйралар, механик боғланган ва тикиб чиқилган материаллар, шиша парда учун қўлланилмайди.

Бир хил белгиларга эга бўйралар бир хил хусусиятларга эга бўлади деб ўйламаслик керак. Белгилаш тизими, шунингдек, бўйраларнинг барча хусусиятларини қамраб олмайди. Ушбу стандартда узлуксиз ва кесилган мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйраларнинг муайян қайта ишлаш вазифалари ёки усуллари учун яроқлилигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган технологик маълумотлар, хусусиятларнинг қийматлари ёки бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

Қўшимча хусусиятлар, агар керак бўлса, EN 14118-2 да кўрсатилган синов усулларига мувофиқ аниқланади.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу қисми ГОСТ 1.5-2001 (3.7 кичик бўлим) талабларига мувофиқ ўзгартирилди.

A.2.

Қўллаш соҳаси (Европа стандарти EN 14118-2)

Ушбу Европа стандартида 1-бўлимда тасвирланган туғралган ва узлуксиз мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар учун синов усуллари ва умумий талаблар рўйхати мавжуд.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу қисми ГОСТ 1.5-2001 (3.7 кичик бўлим) талабларига мувофиқ ўзгартирилди.

A.3.

Қўллаш соҳаси (Европа стандарти EN 14118-3)

Ушбу Европа стандартида 1-бўлимда тасвирланган туғралган ва узлуксиз мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар учун стандарт техник тавсиф (спецификация) мавжуд.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу қисми ГОСТ 1.5-2001 (3.7 кичик бўлим) талабларига мувофиқ ўзгартирилди.

A.4.

Атамалар ва таърифлар (Европа стандарти EN 14118-2)

EN 12971 стандартининг 2-қисмида EN ISO 472:2001 да келтирилган терминологиядан қуйидаги қўшимчалар билан фойдланилади:

4.1. Характерли хусусиятлар.

Бўйралар ишлаб чиқариш жараёнида одатда режали сифат назорати остида бўлмаган хусусиятлар.

4.2. Назорат қилинадиган хусусиятлар.

Бўйраларни ишлаб чиқариш жараёнида одатда режали сифат назорати остида бўлган миқдорий хусусиятлар.

4.3. Визуал хусусиятлар.

Бўйралар ишлаб чиқариш жараёнида режали сифат назорати остида бўлиши шарт бўлмаган сифат хусусиятлари.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу қисмида келтирилган атамалар мазкур стандартда берилмаган, чунки улар матнда ишлатилмайди.

A.5.

Хусусиятлари (Европа стандарти EN 14118-2)

7.4. Характерли хусусиятлар

Хусусият	Мажбурий	Ихтиёрий	Синов усули	Изоҳ
Шиша тури	—	Ҳаммаси	EN ISO 2078 ^a	
Ипнинг чизиқли зичлиги, текс	—	Ҳаммаси	EN ISO 1889	
Боғловчи тури	Ҳаммаси	—	EN ISO 1043 ^a	Эмулсия ёки кукун тури
Матрицанинг тавсия этилган мослиги	Ҳаммаси	—	/	
Боғловчининг стиролдаги эрувчанлиги	—	—	—	Эрувчанликнинг 3 даражаси мавжуд:
	—	CSM	ISO 2558	Юқори (< 60 с), ўртача ва паст (> 200 с)
Қалинлиги, mm	—	CFM	ISO 3616	
Рулон чеккалари	Ҳаммаси		/	Кесмасдан ёки бир томонлама кесиш билан
Рулоннинг номинал узунлиги, m	—	Ҳаммаси	—	Рулонда энг кўпи билан 3 та бўйра; бўйранинг энг кам узунлиги 5 m.

^a Синов усулисиз таърифлар ва кодларни ўз ичига олади.

7.5. Назорат қилинадиган хусусиятлар

Хусусият	Мажбурий	Ихтиёрий	Синов усули	Изоҳ
Солиштирма вазн, g/m ²	Ҳаммаси	—	ISO 3374	—
Эрувчан моддалар, %	Ҳаммаси	—	ISO 1887	Бунга аппретнинг ва боғловчининг материаллари киради, сув эса кирмайди
Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси, Н	—	CSM	ISO 3342	—
Намлик таркиби, %	CSM	—	EN ISO 3344	—
Рулоннинг кенглиги, cm	Ҳаммаси	—	ISO 5025	Бўйралар учун ишлатиладиган матолар учун стандарт

7.6. Визуал хусусиятлар

Бўйра кўриниши бўйича бир хил бўлиши керак. Рулон керакли кучланиш билан ўралган бўлиши керак. Қирралар силлиқ бўлиши керак ва телескопиклик белгиланган

чегарадан ошмаслиги керак (3-қисмдаги 5.3-га қаранг).

Қуйида бўйралар ишлаб чиқариш ёки улардан кейинги фойдаланиш пайтида юзага келиши мумкин бўлган бир қатор визуал аниқланадиган нуқсонлар келтирилган:

- узилишлар;
- тешиклар;
- кир доғлари; ёғ доғлари; қорамтир эшилган ишлар; бегона қўшимчалар;
- ип ёки боғловчи тасма ўрамлари (тўпламлари, гувалачалари);
- маҳаллий чўкишлар;
- ёмон уланган жойлар;
- нотекис қирралар.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу бўлими ГОСТ 1.5—2001 (7.3.4—7.3.6 ва 7.5.2-бандлар) да умумий техник талаблар стандартлари учун ўрнатилган талабларга риоя қилиш учун ўзгартирилди.

А.6.

Маркировкалаш, қадоқлаш, сақлаш шартлари (Европа стандарти EN 14118-2)

Ҳар бир рулонли материал ва ҳар бир тагликда материалнинг кузатилишини таъминлайдиган маълумотларга эга ёрлик бўлиши керак:

- ишлаб чиқарувчининг номи;
- бўйра белгиси (савдо белгиси, солиштирма вазни, рулон кенглиги);
- рулоннинг вазни (нетто ёки соф оғирлиги);
- кузатилишини таъминлаш учун партия рақами ёки ишлаб чиқарувчининг

бошқа маълумотлари;

- рулоннинг номинал узунлиги (ихтиёрий).

Қадоқ муомалада бўлиш, сақлаш ва ташиш пайтида рулонни ҳимоя қилиши керак. Камида 12 ой давомида сақлаш пайтида материалнинг хусусиятларини сақлаб қолиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак. Материални тўғридан-тўғри қуёш нурида ёки иссиқлик манбалари яқинида сақлашга йўл қўйилмайди. Шиша толали маҳсулотлар қуруқ хонада сақланиши керак. Энг мақбул сақлаш шароитлари: 10 °С дан 35 °С гача бўлган ҳарорат ва нисбий намлик 85% дан паст бўлиши керак. Намлик ёки статик электр билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш учун шиша толали маҳсулотларни ишлатишдан олдин иш ҳудудида кондиционер қилиш керак. Агар қадоқнинг ичидаги таркиби қисман ишлатилса, қадоқ ишончли тарзда ёпилиши ва маҳсулот қолдиқлари асл қадоқда сақланиши керак. FIFO тизими остида ишлайдиган омборларда бу керак эмас, лекин сақлаш пайтида салбий омилларнинг таъсирини минималлаштиришга ёрдам беради.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу бўлими ГОСТ 1.5—2001 да умумий техник талаблар стандартларида ўрнатилган талабларга риоя қилиш учун ўзгартирилди (7.3.8, 7.5.2, 7.6-бандлар).

А.7.

Одатдаги тижорат маҳсулотлари (Европа стандарти EN 14118-3)

7.7. Кесилган мураккаб CSM ипларидан ясалган бўйралар

Тавсия этилган қайта ишлаш усули	Тавсия этилган матрицанинг мослиги (EN ISO 1043)	Одатдаги солиштирма масса, g/m ²	Одатдаги кенглик, см	Одатдаги кенглик диапазони, см
Кўп мақсадли	UP, EP, UP(V)	225, 300, 375, 450, 600	92, 125, 130	10 дан 320 гача
Махсус мақсадли	UP, EP, UP(V)	80, 100, 150, 225,	113, 130	10 дан 320 гач

(юкори шаффофлик билан)		300, 375, 400, 450, 500, 600		
Контактли (кукунли боғланиш)	UP, EP, UP(V)	275, 300, 375, 450, 600, 750, 900, 1200	92, 125, 130, 153	13 дан 320 гача
Контактли (эмулсион боғланиш)	UP, PF	300, 375, 450, 600, 900	91, 92, 95, 125	10 дан 250 гача
Кўп мақсадли цемент	Цемент билан	120	60, 90, 120	10 дан 180 гача

7.8. Узлуксиз мураккаб CFM ипларидан ясалган бўйралар

Тавсия этилган қайта ишлаш усули	Тавсия этилган матрицанинг мослиги (EN ISO 1043)	Одатдаги солиштирма масса, g/m ²	Одатдаги кенглик, см	Одатдаги кенглик диапазони, см
RTM	UP, EP, UP(V), PU	225, 300, 450, 600	130, 170	60 дан 300 гача
Қолиплашдан олдинги	UP, EP, UP(V), PU	225, 300, 450, 600	130, 170	60 дан 300 гача
Srim	PU	225, 300, 450, 600	130, 170	60 дан 300 гача
Пултрузия	UP, UP(V), PMMA	225, 300, 450, 600	/	60 дан 300 гача
Узлуксиз ламинация	UP, EP	300, 450, 600	/	60 дан 300 гача
Кўп мақсадли цемент	Цемент билан	100, 150	Сўров бўйича	Сўров бўйича

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу бўлими ГОСТ 1.5—2001 да умумий техник талаблар стандартларида ўрнатилган талабларга риоя қилиш учун ўзгартирилди (7.5.2 ва 7.3.4-7.3.6-бандлар).

А.8.

Талаблар (Европа стандарти EN 14118-3)

Назорат қилинадиган хусусиялар

Қуйидаги жадвалда маҳсулотлар жавоб бериши керак бўлган рухсатлар (допусklar) кўрсатилган. Индивидуал рухсатлар номинал қийматга нисбатан алоҳида синов натижалари учун рухсатларга мос келади. Ўртача рухсат қиймати сирғалувчи қийматнинг номинал қийматга нисбатан рухсатига тўғри келади.

Изоҳ — Синов усулининг ўзгарувчанлиги туфайли натижани олиш учун бир нечта ўлчовлар (ва синов намуналари) талаб қилиниши мумкин. Синов натижаси алоҳида ўлчовларнинг ўртача қиймати бўлади.

Хусусият	Синов усули	Индивидуал рухсат	Ўртача рухсат қиймати
Бирлик майдонига оғирлик	ISO 3374		
Кесилган мураккаб иплардан ясалган бўйралар		±20 %	±12 %
Узлуксиз мураккаб иплардан		±20 %	±16 %

ясалган бўйралар			
Ёнувчан моддалар Кесилган мураккаб иплардан ясалган бўйралар Узлуксиз мураккаб иплардан ясалган бўйралар	ISO 1887	±40 % ±40 %	±31 % ±32 %
Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси Кесилган мураккаб иплардан ясалган бўйралар	ISO 3342	Минимал қиймат: -номинал қийматнинг 60 %	/
Намлик	EN ISO 3344	Максимал қиймат: 0,5 %	/
Кенглик (2 томонлама кесиш билан)	ISO 5025	±0,5 см ёки +3/-0 см	/
Кенглик (1 томонлама қирқиш билан ёки кесишсиз)	A ISO 5025:1997 иловаси	±3 см	/

Визуал хусусиятлар

Агар 100 m² учун максимал нуқсонлар сони келишилган қийматдан катта бўлса (одатда маҳсулотга қараб 5-10) ва телескопиклик 5 см дан ортиқ бўлса, рулон мос келмайдиган деб ҳисобланади.

Изоҳ — Европа стандартининг ушбу бўлими ГОСТ 1.5—2001 да умумий техник талаблар стандартлари учун ўрнатилган талабларга риоя қилиш учун ўзгартирилди (7.3.4-7.3.6 ва 7.5.2-бандлари).

Илова Б

Ушбу стандартнинг тузилишини унда қўлланилган Европа стандартларининг тузилиши билан таққослаш

Ушбу стандартнинг структуравий элементларининг тузилиши ва рақамланиши ҳамда Европа стандартларининг асосий норматив қоидаларини таққослаш Б.1. жадвалида келтирилган. Европа стандартларини бирлаштиришнинг сабаби, ушбу стандартда қўлланилганда, уларнинг ҳар бирининг кичик ҳажми ва бирлаштирилган стандартдан фойдаланиш қулайлиги.

Б.1-жадвали

Ушбу стандартнинг тузилиши		EN 14118-1 Европа стандартининг тузилиши		EN 14118-2 Европа стандартининг тузилиши		EN 14118-3 Европа стандартининг тузилиши					
Бўлим	Кичик бўлим	Бўлим	Кичик бўлим	Бўлим	Кичик бўлим	Бўлим	Кичик бўлим				
1	—	1	—	1	—	1	—				
2	—	2	—	2	—	2	—				
3	—	3	—	3	—	3	—				
4	4.1	4	4.1	—		—					
	4.2		4.2								
	4.3		4.3								
	4.4		4.4								
4.4 да келтирилган мисол		5	—	—		—					
5	5.1	—						4	4.3	5	5.2
	5.2							—		4	4.1
	5.3							—		4	4.2
	5.4	—		4	4.1—4.2	4, 5	4.1—4.2, 5.1				
	5.5										
	5.6			—		—					
6	6.1	—		—		—					
	6.2—6.3			4	4.1						
Ушбу стандартнинг тузилиши		EN 14118-1 Европа стандартининг тузилиши		EN 14118-2 Европа стандартининг тузилиши		EN 14118-3 Европа стандартининг тузилиши					
Бўлим	Кичик бўлим	Бўлим		Кичик бўлим	Бўлим	Кичик бўлим					
7	—	—		—		—					
8	8.1—8.3			5	—						
9	9.1—9.3										
А—В иловалари		—		—		—					

Изоҳлар

1 Жадвалда кўрсатилган давлатлараро стандарт тузилмасининг қўлланилган Европа стандартлари тузилишига нисбатан ўзгариши ГОСТ 1.5-2001 (7.5.2-банд) да умумий техник талаблар стандартлари учун ўрнатилган талабларга мувофиқлиги билан боғлиқ.

2 Европа стандартларига нисбатан ўзгартирилган давлатлараро стандартни расмийлаштириш учун ўрнатилган талабларга мувофиқ А-В қўшимча иловалари киритилди.

Илова В

Қўлланилган Европа стандартларида ҳавола сифатида фойдаланилган халқаро ва Европа стандартларига ҳавола қилинган давлатлараро стандартларнинг мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар

В.1-жадвал

Ҳавола қилинган давлатлараро стандартни белгилаш	Мувофиқлик даражаси	Ҳавола қилинган халқаро ва Европа стандартининг белгиланиши ва номи
ГОСТ 32794—2014	NEQ	EN ISO 472:2001 «Пластмассалар. Луғат» (ISO 472:1999)
ГОСТ 30053—2017 (ISO 3374:2000)	MOD	ISO 3374 «Арматураловчи материаллар. Бўйралар ва матолар. Бирлик майдонида массани аниқлаш усули»
ГОСТ 33366.1—2015 (ISO 1043-1:2011)	MOD	EN ISO 1043 «Пластмассалар. Белгилар ва қисқартмалар»
ГОСТ 6943.1—2015 (ISO 1889:2009)	MOD	EN ISO 1889 «Арматураловчи толалар. Чизикли зичликни аниқлаш» (ISO 1889:1997)
ГОСТ 32650—2014 (ISO 2078:1993)	MOD	EN ISO 2078 «Шишатола. Иплар. Белгилаш» (ISO 2078:1993)
ГОСТ 33847—2016 (ISO 3344:1997)	MOD	EN ISO 3344 «Арматураловчи материаллар. Намлик таркибини аниқлаш» (ISO 3344:1997)
ГОСТ 6943.8—2015	NEQ	ISO 1887 «Шишатола. Ёнувчан моддалар таркибини аниқлаш»
ГОСТ 34245—2015 (ISO 2558:2010)	MOD	ISO 2558 «Пластмассаларни арматуралаш учун кесилган мураккаб иплардан тайёрланган шиша бўйралар. Боғловчини стиролда эритиш вақтини аниқлаш»
ГОСТ 6943.10—2015	NEQ	ISO 3342 «Шишатола. Бўйралар. Чўзилишдаги бузадиган кучланишни аниқлаш»
ГОСТ 34208—2015 (ISO 3616:2001)	MOD	ISO 3616 «Шишатола. Кесилган ва узлуксиз мураккаб иплардан ясалган шиша бўйралар. Ўртача қалинликни, юк остида қалинликни ва сиқишдан кейин тикланишни аниқлаш»
ГОСТ 6943.17—94 (ISO 5025—78)	IDT	ISO 5025 «Арматураловчи материаллар. Матолар. Кенглик ва узунликни аниқлаш усули»
Изоҳ — Ушбу жадвалда стандартларнинг мувофиқлик даражасини кўрсатиш учун қуйидаги шартли белгилар қўлланилган: - IDT — бир хил стандартлар; - MOD — ўзгартирилган стандартлар; - NEQ — эквивалент бўлмаган стандартлар.		